

**заЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ  
ИНСТИТУТИ**

---

---



**“ФАН, ТАЪЛИМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ  
ШАРОИТИДА ПАХТА ТОЗАЛАШ, ТЎҚИМАЧИЛИК, ЕНГИЛ  
САНОАТ, МАТБАА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЕЧИМИ”**

**Республика илмий – амалий анжумани**

**II-қисм  
III, IV - ШЎЪБАЛАР**

**21-22 апрель**

**ТОШКЕНТ-2021**

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ

кат. ўқит. Н.Б.Гиязова  
Бухоро давлат университети

*Мақолада тўқимачилик саноати корхоналари барқарор ривожланишининг рақобат устунлиги билан ўзаро алоқаси масалалари ўрганилган ва натижалар асосида ривожланишни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*

*В статье исследуется взаимосвязь между устойчивым развитием текстильной промышленности и конкурентными преимуществами и на основе результатов выработываются рекомендации по развитию.*

*The article examines the relationship between the sustainable development of the textile industry and competitive advantage and develops recommendations for development based on the results.*

Амалиёт шуни кўрсатадики, корхонанинг барқарор ривожланиши кенг доирадаги омиллар таъсирида шаклланади, лекин унинг асосини рақобатбардошлик ташкил этади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар корхона барқарорлигини унинг рақобат салоҳиятидан келиб чиқиб баҳолашни таклиф этадилар [1]. Рақобат салоҳияти рақобат устунликлари асосида шаклланади.

Ҳар қандай корхона ҳам ўз рақобатчиларидан устун турадиган ва ишлаб чиқилиши ва химоя қилиниши зарур бўлган бир эмас, бир нечта рақобат устунликларига эга бўлишга интилиши керак. Рақобат устунликларини ривожлантириш воситалари кадрларнинг малакаси, инновациялар, маркетинг воситалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Химоя воситалари - монополия, патентлар, ноу-хау, коммуникацияларга кириш ва бошқалар саналади.

Рақобат устунликларини баҳолаш учун асос корхона мақсадлари ва уларга эришиш учун хал қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳисобланади. Улар ташқи муҳитнинг ҳақиқий шaroитларига жавоб бериши ва самарали бажарилиши керак. Корхонада ташқи муаммоларга мослашиш учун амалга ошириладиган таркибий ва вазифавий ўзгаришлар корхона ташқи муҳитининг пайдо бўлаётган шaroитларига мос равишда асосий компетенцияларни келтириб чиқариши лозим. Бундай ўзгаришларни аниқлаш ва ўзгаришларни бошқариш учун ишлаш, одатда рақобат афзаллиги ривожланиши деб аталади. Ривожланиш жараёни корхона ўз мақсад ва вазифаларига эришиш учун фойдаланадиган ресурслар мажмуи сифатида тушуниладиган корхона салоҳиятини шакллантириш имконини беради. Рақобат афзалликлари ҳам, салоҳияти ҳам корхона фаолияти ва

барқарор ривожланиши жараёнида нагизаларга эришишга қаратилган бўлади.

Рақобат назарияси, рақобат афзалликларини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда М. Портернинг энг кўп асарлари келтирилган. Рақобат афзаллиги ёки рақобатбардошликга бағишланган барча адабиётларда унинг "Халқаро рақобат" китобига муружаат қилинади.

Унда М.Портер уларнинг ҳар бири ўзига хос рақобат устунлигига асосланган ғояга асосланган типик стратегиялар мажмуини таклиф этди. Компания ўзига мос рақобат устунликларидан фойдаланса ва ишлаб чиқса, танланган стратегияни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунинг учун компания қайси рақобат устунлигини олишни ва қайси соҳада: паст харажатлар ёки маҳсулотни фарқлашни хал қилиши керак? [2]. Арзон нархлардаги рақобат устунлигини танлаш рақобатчига нисбатан паст нархда таққосланадиган маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш демакдир. Маҳсулотни рақобатчи баҳосида сотиш компанияга қатта фойда олиш имконини беради [3]. Табақалаштиришда рақобат устунлиги - харидорларга ноёб ва юқори қиймагга эга бўлган маҳсулот ёки янги сифатли маҳсулот ёки маҳсус истеъмол хусусиятлари билан таъминлаш ёки сотувдан кейинги хизматни кўрсатиш қобилиятини билдиради. Бу рақобат афзаллиги компанияга юқори нархлар ўрнатиш имконини беради, демак, кўпроқ фойда олишни таъминлайди. Компания бир вақтнинг ўзида ҳам паст харажатлар, ҳам табақалаштириш рақобат афзалликларидан фойдаланиши мумкин. Амалда бу осон эмас.

М. Портер томонидан таклиф этилган рақобат афзалликлари тушунчаси тўртта компонентни ўз ичига олган «рақобатбардош ромб»га асосланган:

омил шартлари;

талаб шартлари;

фирма ва унинг рақобатчилари стратегияси, таркиби; турдош ва кўллаб-қувватлаш саноати.

М. Портерга фикрига кўра, корхонанинг рақобатбардош афзалликлари қуйидаги шaroитларда олиниши мумкин:

инсон ресурслари ва кўникмаларини энг тез тўпланиши мумкин мамлакатларда фаолият;

маҳсулот ва технология эҳтиёжлари ҳақида тезкор маълумот ва аниқ маълумот;

янгилекларнинг мавжудлиги;

мулкдорлар, раҳбарлар ва ходимлар манфаатларининг ўзаро бир-бирига мос келиши.

Барча рақобат афзалликлари, жадал ривожланаётган корхонанинг элементлари бўлиб, ҳаётий циклининг турли босқичларида ўзгариши мумкин. Меҳнат ёки хом-ашёнинг арзонлиги, кўламдаги иқтисодларга эришиш ва рақобатчилар учун мавжуд бўлган асбоб-ускуналар ва

узулларнинг мавжудлиги билан боғлиқ тактик рақобат афзалликлари ўз аҳамиятини тез йўқотмоқда. Энг ишончли ва узоқ муддатли стратегик рақобат афзалликлари куйидагилар: номоддий активлар соҳасида патентланган технология, ноёб маҳсулот ва хизматларнинг мавжудлиги, компаниянинг ижобий обрўси, савдо каналларини ташкил этишдан иборат. Бу афзалликларга эришиш учун ишлаб чиқариш объектларида ИТТКИ, интенсив инвестициялар, маркетинг тадқиқотлари, ходимларни ўқитиш ва бошқаларни ўтказиш зарур. Юқори рақобат шароитида келгусида компания ривожланишининг барқарорлигини таъминлай оладиган стратегик рақобат устуникларини ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Стратегик рақобат устуниклари нафақат бўлиши, балки доимо ривожланиши ва керак бўлса янгиларини шакллантириши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Замонавий тўқимачилик саноати корхоналари учун компаниянинг номоддий рақобат устуниклари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Барқарор ривожланаётган тўқимачилик саноати корхоналари амалиёти кўрсатганидек, номоддий стратегик рақобат устуникларини яратиш харажатлари хар доим ҳам аҳамиятли эмас, аммо улардан фойдаланиш натижалари юқори самара беради ва ривожланиш даври аҳамиятсиз бўлади.

Шундай қилиб, тўқимачилик корхоналарининг ривожланишини таъминлашнинг асосий вазифаси бевосита рақобатчиларга нисбатан рақобат устунигига эга бўлишдир. Шу билан бирга, тўқимачилик корхоналари бозорда устунилик берувчи ноёб стратегик устуниликка эга бўлишга интилиши керак. Хар бир тўқимачилик корхонаси учун асосий савол: бу ноёб рақобат афзаллигига қандай эга бўлиш мумкин? Ушбу муаммони ҳал қилиш учун М.Портер куйидаги асосий умумий стратегияларни таклиф қилди: харажатлар бўйича етакчилик, индивидуаллаштириш ва фокуслаштириш. Тадқиқот жараёнида биз тўқимачилик корхоналари стратегик ҳолатига баҳо бериш натижаларига биноан ушбу стратегияларни танлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқдик.

#### **Адабиётлар:**

1. Филобокова Л.Ю. Сущность и методические подходы к оценке рыночной устойчивости малого предпринимательства / Л.Ю. Филобокова // Аудит и финансовый анализ. – 2008. – № 4. – С 223-228.
2. Петров А.Н. Стратегический менеджмент / А.Н. Петров. – СПб.: Питер, 2007. – 160 с.
3. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент / Р.А. Фатхутдинов. – М.: Дело, 2005. – С. 86-116.



## РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ АСОСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

кат. ўқит. Н.Б.Гиязова  
Бухоро давлат университети

*Мақолада тўқимачилик sanoati korxonalari barqaror rivojlanishining raqobat ustunligi bilan uzaro aloqasi masalalari urganilgan va natijaslar asosida rivojlanishni ta’minlash buyicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

*В статье исследуется взаимосвязь между устойчивым развитием текстильной промышленности и конкурентными преимуществами и на основе результатов выработываются рекомендации по развитию.*

*The article examines the relationship between the sustainable development of the textile industry and competitive advantage and develops recommendations for development based on the results.*

Рақобатбардошлик тушунчаси кўпинча рақобат устунликлари тушунчаси билан боғлиқ. Рақобатбардошлик - рақобат устунликларининг мавжудлигини ушловчи натижадир.

Рақобат устунлиги - бу иқтисодий объектнинг ўзига хос хусусиятлари ва қобилиятлари бўлиб, у фирманинг бевосита рақобатчиларидан маълум устунлигини яратadi [1]. Рақобат устунлиги - фаолиятнинг турли соҳаларида рақобатчилардан устунлик берувчи мутлақ қийматга эга бўлган тизим [2]. Бу икки таърифни таҳлил қилиб шунни айтиш мумкинки, қалит - бу рақобатчилардан устунликни берувчи объект (маҳсулот ёки бренд)нинг ўзига хос хусусиятларидир. Бу хусусиятлар фокуслаштирилган ресурслари жиҳатидан ҳам, билим жиҳатидан ҳам нуسخа кўчириш учун юққори меҳнат сарфини талаб этади. «Рақобат устунлиги» ва «рақобатдошлик» тушунчалари қўлланиладиган объектга қараб турли маъно ва хусусиятларга эга. Бу тушунчаларни ўрганишда иерархик тузилма, жумладан, маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар ва иқтисодиётларни ўхшаш рақобатлашувчи объектлардан устунлиги нуқтаи назаридан баҳолаш бир-бирдан фарқланади [3].

Рақобат устунлиги асосида тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини таъминлаш йўлларини излаб топиш учун диагностикаялашни амалга ошириш талаб этилади.

Стратегик рақобат устунликларининг тўқимачилик sanoati korxonalarining barqaror rivojlanishiga taъsirini diagnostikalash uslubiyati koidalari muhoama qiliniб, зарур hisob-kitoblar va kўshimча maълumotlar талаб этилади. Биринчи босқич қуйидаги масалаларни камраб олади:

баҳолаш учун эмпирик асосни танлаш;  
кўрсаткичларни ишончли манбалардан йиғиш ва уларни дастлабки қайта ишлаш;

текширилаётган тўқимачилик корхонасининг барқарор ривожланиш компонентлари учун хусусий ва умумий интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш;

олинган натижалар талқини;

сўровда қатнашган тўқимачилик корхоналарнинг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий компонентларни аниқлаш.

Услубиятни синовдан ўтказиш учун эмпирик асос сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналарини танладик.

Қуйидаги ҳолатлар корхоналарни танлашни аниқлаб берди:

биринчи гуруҳ корхоналари бир ҳудудда жойлашганлиги. Шу муносабат билан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг таркибига кирувчи танланган корхоналари учун ҳудудий даражадаги стратегик рақобат афзалликлари бир хил;

мавжуд ва янги корхоналарни вакиллик қилиш барқарор ривожланишни таъминлаш шартларини таққослаш учун зарурдир. Биринчи ҳолда, стратегик рақобат афзалликлари орасида устуворлик саноат хусусиятлари билан белгиланганларга берилади, иккинчи ҳолда «Рақобатчилар билан табақалашув» ва «Янги имкониятлар» гуруҳларидан стратегик рақобат устунликларини шакллантиришга дарҳол эътибор берилади, чунки, улардан бозор муносабатларини тўқимачилик тармоғига киритиш, иккинчидан, ягона миллий пахта-тўқимачилик кластери тизимини ривожлантириш учун инновацион сценарийни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Хусусий ва интеграл коэффицентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди.

Барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми барқарор иқтисодий ҳолат ҳисобланади. Иқтисодий барқарорлик даражасини баҳоловчи хусусий интеграл коэффицентнинг киймати бошқа хусусий интеграл коэффицентлар орасида энг юқоридир. Бунинг сабаби шундаки, тўқимачилик корхонасини яратиш бўйича янги лойиҳани ишлаб чиқишда бозор муносабатлари механизмлари рақобат шароитида амалга оширилди ва ҳақиқатдаги мавжуд муаммолар ечимига мос келадиган янги стратегик рақобат афзалликлари - технологик, техник, дизайн, бошқарув ва ташкилий инновациялар жорий этилди.

Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тўқимачилик махсулотлари истеъмолчиларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан англай билиш;

кулай институционал мухитни яратиш;

инновация фаолиятини фаоллаштириш;

маркетинг фаолиятини фаоллаштириш;

етарлича жавоб бера оладиган бошқарув тизими самардорлигини ошириш;

омиллар ва меҳнат шaroитларининг тез ўзгаришига ўз вақтида муносиб жавоб бера оладиган бошқарув тизими самардорлигини ошириш; кенг миқёсда барча соҳаларда рақамлаштириш технологиясидан самарали фойдаланиш.

Стратегик рақобат устунликлари таъсирини диагностикалаш учун таклиф этилаётган усулнинг афзалликлари куйидагилар саналади:

- 1) хабардорлик (комплекслилик ва кўп ўлчамлилик, шу жумладан, ички ва ташқи мухитнинг кўплаб омиллари, стратегик рақобат устунлиklarининг аксарияти);
  - 2) мавжудлик (жамоатчилик учун эркин мавжуд корхона хисоботлардан фойдаланиш);
  - 3) мослашувчанлик (хусусий кўрсаткичлар тўпламидан олинган умумий ва интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш);
  - 4) кўп кирралик (турли sanoat йўналишида);
  - 5) муаммолар ҳақида эрта хабар беришлик (баҳолаш пайтида муаммоли йўналишлар ўчоғини аниқлаш имконини беради);
  - 6) ривожланиш динамикасини аниқлаш имконини беради.
- Корхонанинг билимга асосланган иктисодиётда ривожланиши таъминлайдиган асосий омил инсон омилidir. Инновацион онг ва хулқ-атворни фаоллаштиришга қаратилган мотивацион механизмни ишлаб чиқиш мамалакатимиздаги барча тўқимачилик sanoati корхоналари учун устувор вазифа хисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ламбен Ж. Ж. Стратегический маркетинг / Ж. Ж. Ламбен. – СПб.: Наука, 2011. – 368 с.
2. Мазилкина Е.И. Управление конкурентоспособность: учеб. пособие/Е.И.Мазилкина, Г.Г.Паничкина. – М: Омега-Л, 2007. - 325 с.
3. Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы. / Г. Л. Азоев, А. П. Челенков. – М.: ОАО «Типография» Новости», 2000. – 256 с.

## **ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА САМАРАЛИ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ**

проф. Р.А.Исаев  
Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти

*Ушбу мақолада енгил sanoat корхоналарида сифат менежмент тизimini жорий этиш тахлил қилинган ва тахлил натижалари асосида уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.*

*В данной статье на основе проведенного анализа даны рекомендации по совершенствованию системы менеджмента качества на предприятии легкой промышленности.*

*In given clause the introductions of system of management of quality at the enterprises of a light industry were analyzed and on the basis of result of the analysis is given to the recommendation on e ё to perfection.*

Республикамызда хозирда барча сохаларда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш саналади. Бунинг учун эса барча sanoat корхоналари рақобатбардошлигини ошириш орқали сифатли махсулот турларини ишлаб чиқариш талаб этилади. Корхоналар ишини яхшилаш, уларга эркинлик бериш, уларни бошқариш тизimini такомиллаштириш янада сифатлироқ махсулот ишлаб чиқариш, натижада ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистонда экспорт салохиятини янада оширишда тўқимачилик корхоналарида пaxта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшилган қийматли экспортбop тайёр махсулот турларини ишлаб чиқариш хажмини ошириш зарурати ортиб бормокда. Енгил sanoat корхоналари ўртасида тўқимачилик sanoati етаки ўринни эгаллайди. Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шaroитида эса махсулот сифатини яхшилаш - ишлаб чиқариш самардорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Чунки, бозор иқтисодиёти шaroитида ижтимоий меxнагнинг тежалиши, асосан, сифатли махсулотни истеъмол қилиш сохаси асосида юзага келади.

Махсулот сифатининг пастлиги ҳамда рақобатбардош эмаслиги - бу абстракт категория бўлмай, балки корхонанинг яшовчан эмаслигига аниқ асосдир. Шунинг учун ҳам сифат муаммоси эндиликда стратегик муаммо хисобланади. Корхонанинг ўз мақсадига эришиш қобилияти, чиқарилаётган махсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ундаги бошқариш ва ташкил этиш тартиби – сифатни бошқариш тартибидан аниқланади. Сифатни бошқариш тартиби – корхонада амал қилинаётган ва фойдали техник, бошқариш усулларини ўз ичига олган, инсонлар ва машиналарнинг ўзарo муносабатларини энг яхши ва энг қулай усулларини таъминланган ва



<b>Использование аутентичных материалов в обучении английскому языку</b> ст. преп. Н.Б. Джурева, ТИТЛП	<b>300</b>
<b>How to write email</b> ass. Sh. Sh.Nurbekova, ТИТЛП	<b>302</b>
<b>Онлайн уроки русского языка в вузе</b> ст. преп. Н.А.Муминова, ТИТЛП	<b>304</b>
<b>Basic features and tasks of teaching in secondary schools</b> ass. M.A.Muminova, senior teacher F.M.Tolirova, ТИТЛП	<b>307</b>
<b>Олий математика фанини ўқитиш муаммолари</b> проф. А.З. Маматов, асс. F.A.Розиков, ТТЕСИ	<b>310</b>
<b>Новые подходы и современные методы обучения произношению на иностранном языке</b> асс. Ф.К.Разикова, ТИТЛП	<b>313</b>
<b>Teaching to students the semantic structure of the words and synonyms in english lessons</b> senior teacher Sh.U.Nalikova, ТИТЛП	<b>315</b>
<b>Ўқув лабораториясидан фойдаланиш имкониятларини ошириш</b> асс.Ф.Ф.Тўраев, асс.Г.Т. Тўраева, талаба Д. Назиров, ТТЕСИ	<b>318</b>
<b>Lazerli bo’yoqlarning kontsentratsiyali iyunimsensiyasi</b> kat.o’q. A.Sh.Adiyova, talaba. X.To’tamiradova, ТТҮЕСИ	<b>321</b>
<b>Sociocultural competent of the content of teaching a foreign language</b> s. D.X.Nisholova, senior teacher S.T.Yusupova, ТИТЛП	<b>324</b>
<b>Benefits of online education</b> Senior teacher. S.T. Satorova, ТИТЛП	<b>326</b>
<b>Сущность и особенности инновационной деятельности</b> доц. Н.М.Муминова, студент С.Шодиева, ТИТЛП	<b>329</b>
<b>Дуальное образование от концепции к практике</b> асс. Ш.Кочкарова, ТИТЛП	<b>332</b>
<b>Комил инсон шаклланишида тарихий асарларнинг ўрни</b> доц. Ф.И.Икромхонова, ТТЕСИ	<b>335</b>
<b>Олий таълим муассасаларида талабаларнинг интегратив кўникмаларини шакллантириш технологияси асосида ўқитиш омиллари</b> кат. ўқит. М.Х.Исаева, талаба С.Хасанова, ТТЕСИ	<b>338</b>
<b>Олий таълим муассасаларида ихтисослик фанларини ўқитишда талабаларни тасаввур компетенциясини ривожлантириш йўллари</b> асс. М.А.Арипжанова, талаба Р.Олимова, ТТЕСИ	<b>341</b>
<b>Organization of a dual education system in professional education on the example of foreign experience</b> Senior teacher F.Q.Joniyeu, Student F.F.Akhmatova, ТИТЛП	<b>344</b>
<b>Обучение линейных нейронных сетей используя операторов программы matlab</b> М.К.Отажонова, Н.А.Ниязова, студент Ф.Ш.Курбанов, ТИТЛП	<b>347</b>
<b>Система автоматического регулирования температуры воздуха при вентиляции производственных помещений</b> доц. О.Х.Кадров, асс. М.К.Отажонова, магистрант Ф.Ф.Рахматуллаев, ТИТЛП	<b>350</b>
<b>Тўқимачилик санояти корхоналари барқарор ривожланишининг рақобат устунлиги билан ўзаро алоқаси</b> кат. ўқит. Н.Б.Гиязова, БухДУ	<b>353</b>
<b>Рақобат устунлиги асосида тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини таъминлаш йўллари</b> Кат. ўқитувчи Н.Б.Гиязова, БухДУ	<b>356</b>
<b>Тўқимачилик санояти корхоналарини бошқаришда самарали сифат менежменти тизимини қўллаш</b> проф. Р.А.Исаев, ТТЕСИ	<b>359</b>
<b>Тўқимачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш асосида рақобабардорлигини ошириш йўллари</b> мус. из. Ф.П.Азимова, ТТЕСИ	<b>362</b>
<b>Тўқимачилик корхоналарида сифат менежменти ва стратегик бошқариш интегралланган тизимини қўллаш самарадорлиги</b> проф. Р.А.Исаев, ТТЕСИ	<b>365</b>
<b>Пахта тозалаш корхоналарида ходимлар компетентлиги асосида уларни рақобатлантириш тизимини такомиллаштириш</b> мус. из. Н.Р.Омонова, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ	<b>370</b>